

# 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

# 22  
(441)

YURIDIK GAZETA

May

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



## Республика Бош прокуратурасида

Ўтган ҳафта Республика Бош прокуратурасида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Мажлисида прокуратура органлари томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш, қўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишда жиноят-процессуал қонунийлик талабларига риоя қилинган ҳолда муайян ишлар қилинганлигига қарамасдан бу борада назорат сусайтириб юборилганлиги айтиб ўтилди. Айниқса, бу тоифадаги қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган Фарғона, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳар прокуратуралари фаолияти танқид қилинди. Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари олдига жиноят

ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш, қўриб чиқиш, ҳал қилиш устидан назоратни янада кучайтириш ва ходимларнинг малакасини ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Шунингдек, мажлисида Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар билан бирга айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлис якунида Республика Бош прокурори Р.Қодиров вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари олдига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида қатъий талаблар қўйди.

Республика Бош прокуратураси матбуот хизмати

Jarayon

## Демократик сайлов ва унда ёшларнинг ўрни

Мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ бу галги сайлов аҳолининг катта қизиқиши ва фаоллиги билан аввалгиларидан ажралиб турибди. Зеро, мазкур сайлов ижтимоий-сиёсий ислохотларни янгича мазмун ила бойитиш билан бирга жамиятнинг эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга, энг муҳими ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги роли ва ваколатларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови Ўзбекистон Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун нормалари асосида ташкил этилади.

Аваллошун таъкидлаш ўринлики, фуқароларнинг ҳуқуқий оғни, тафаккури аввалги йиллардагига қараганда бир қадар ўсди. Улар энди сайловда берадиган овозларининг қадрини ҳис этишмоқда. Бунга мамлакатимизда шакллантирилган ва амал қилаётган мустахкам ҳуқуқий база ҳам маълум маънода хизмат қилмоқда. Конституция ва унга мос равишда қабул қилинган қонунларда фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари мустахкамлаб қўйилган.

Эркин сайлов орқали нафақат ўзини-ўзи бошқариш органлари шаклланади, балки сайловда кўпчилик овоз билан ютиб чиққан фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларининг жамият ва фуқаролар олдидagi масъулияти янада ошди. Мамлакатимизда эркин демократик жамиятни қарор топтириш Ўзбекистон халқининг улутвор мақсадларидан биридир.

Президент И.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойилларини» номли асарига: «**Биз фуқаролар жамияти қуришга интилоқдамиз, бунинг маъноси давлатимизни ривожлани бораган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демокдир**», — деб таъкидлаган эди. Ана шу концептуал гоёни амалга ошириш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Бироқ баъзи фуқароларнинг сайлов ҳақидаги тушунчаси ҳали талаб даражасида эмас. Шу бож, фикримизча, демократик жамиятда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг афзаллиқларини, унинг ҳуқуқий асосларини одамларга тушунтириш аввало сайловнинг моҳиятини англашдан бошламоқ лозим. Сайлов аввало одамларга бериладиган танлаш имкониятидир. Муҳими, фуқароларнинг қимни танлаш шаклида. Бунинг учун фуқароларда танлаш маҳоратини шакллантириш муҳим вазифа саналади.

Сайлов жараёнида сайловчи ва сайланувчи юрдошларимиз, айниқса, тенгдошларимни ўз хоҳиш-истакларини ифода этишга, бу орқали жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнини мустахкамлаб бораётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада эркинлаштиришга муносиб ҳисса қўшишга чақираман.

Дилшод МАДИРИМОВ,  
ТДЮИ талабаси

Uyғ'oq so'z

«Қуш уясида кўрганини қилади» дейдилар. Изоҳ беришимиз мумкинки, қуш ҳали уясида кўрмасданок нималар қилишини билди. Инсон боласига келсак, айтадиларки, бола уйда намоз ўқийётган ота-онани кўрса у ҳам шунга эргашади. Чекаётган ёки ичаётган ота-онани кўриб уларга тақдир қилади, уларнинг қилиғини кайтаради. Болаларнинг «меҳмон-меҳмон» ўйинини кузатган бўлишимиз мумкин. Бола ниҳоятда синчков, ниҳоятда

лар», — деб жавоб қайтарди. Биз бу жавобдан қаноатландик. Сизга ҳам бу хулоса маъқул тушар деб ўйлаймиз.

Тиббий жиҳатдан, аникроғи ирсият қонунари доирасида кузатадиган бўлсак, ота-оналарда мавжуд ҳафаконлик, сил, қанд каби касалликлар орадан йиллар ўтиб фарзандда бош кўтаради. Ота-она-

Тоҳир МАЛИК,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## Тарбиянинг тарбиядан фарқи бор

кузатувчан бўлади. Сиз билан биз эътибор қилмаган ҳаракатни дарров ўзлаштирадиз, сиз билан биз эътиборсиз айтиб юборган сўзни қулোগига дарров қуйиб олади. Лекин намозxonнинг боласи ҳамisha ҳам намозxon буларвермайди, арокхўрин боласи эса арокхўрликни касб қилмайди. Бунга нима дейсиз? Кўп ҳолларда зийрак болалар арокхўрликнинг ҳалокатли оқибатларини ёш эканликларидабек тушуниб етадилар. Оталарининг ёки оналарининг бу шармандали ҳолларидан уяладилар. Арокхўрликка қарши қалбларидан нафрат уйғонади ва шу нафрат билан улгайиб, бу иллатдан узоқлашади. Энди намозxonнинг бенамоз фарзандлари ҳақида сўзласак, уламолардан биридани «Илми, ҳатто қори одамларнинг фарзандлари нима учун эътиқодсиз чиқиб қолишди?», — деб сўраганимизда у жаноблари «Уша илмилар томоқларидан ўтаётган таомнинг ҳалол ёки ҳаромлигига беъэтибор бўлганлар. Бу демек, илмларига амал қилмаганлар. Бунинг мукюфотини эса фарзандлари орқали олади-

ларнинг ташқи кўринишлари, овози, ҳатто юриш йўсини ҳам фарзандга кўчади. Шундай экан, феъл-атвори ҳам ўтиши маълум. Айни шу ўринда ўғрининг боласи ўғри, тўғрининг боласи тўғри бўларкан-да? Фарзанд ота-онанининг ёмон иллатларидан қутула олмас экан-да?

Биз бу даврони инкор этувчилар каторидамиз ва аввалроқ баён этган фикримизда собит қоламиз. Ҳиндларнинг «Дайди» деган бир филми бўларди. Раҳ Капурни илк марта танитган бу филмнинг асарининг 50-йилларидан одамлар йиғлаб-йиғлаб томоша қилишарди. Филмда муҳим ижтимоий масалалар кун тартибига қўйилган эди. Жага исмли ўғри судьянинг «Ўғрининг боласи ўғри бўлади» деган широрини йўққа чиқариш учун унинг ўғлини ўғри қилиб тарбиялайди.

(Давоми 4-бетда).

Tadbir

## Меҳнат ярмаркаси ўтказилди

Яқинда Қораўзақ туман прокуратураси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ўтказди. Унда 31 та корхона ва ташкилот ўзларида мавжуд бўлган 144 та буюш иш ўрни билан иштирок этди.

Мазкур тadbирнинг фойдали томони шу бўлдики, унда 278 нафар фуқаро қатнашиб, улардан 137 таси шу кунлик ўз мутахассислиги ва касбига қараб ишга жойлаштирилди. Уларнинг 69 нафари ёшлар ва 35 нафари аёллардир.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ,  
«Нуқуқ» муҳбири

Xabar

## Бебаҳо хазина

Фарғона шаҳрида «Улугимсан, Ватаним» ширин остида республика китоб сайли бўлиб ўтди. Шаҳар истрохот бонди юртимизнинг забардаст ёзувчи ва шoirларини мухлислар илқ кутиб олишди. Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи, ёзувчи Т.Жўраев сайилга ташриф буюрган Муҳаммад Али, Иқбол Мирзо, Минҳожиддин Мирзо, Анвар Обиджон, Умида Абдуазимова каби адибларни қутлаб, ижодларига муваффақият тилади. Устоз ёзувчи ва шoirларни ёдга олди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Муродов адибларнинг мухлислар билан учрашуви, китоб байрами дилларни эзгу

ҳис-туйғуларга тўлдиршини таъкидлашди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Э.Сиддиқова мушоирани бошлаш учун Муҳаммад Али ва Охунжон Ҳакимовларни даврага чорлади.

Китоб байрамини вилоят кутубхонаси, Фарғона давлат университетини, Марғилондаги 1-меҳрибонлик уйи ва бошқа даргоҳларда давом этди. Мухлисларнинг севимли адибларни қўриш, сўхбатидан баҳра олиш орзулари ушларди. Энг яқин дўст, бебаҳо хазинаси бўлиш китобга ошно қалблар байрами ҳар бир хондонда давом этишини истаб қоламиз.

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«Нуқуқ» муҳбири



O'qiydilar:

# Xatlar va jamoatchilik aloqalar bilan sahifasi

O'qiydilar: *Shovket Muxitov*,  
adabiyot va jurnalistika bo'limi,  
«Huquq» gazetasi matbuot xizmatida,  
Tashkent, 700047

## Chorshanbadan chorshanbagacha tahririyat mushitariylardan 27 ta xat oldi.

### Tashakkurnoma

## Болалар миннатдор

Тошкент вилояти Бўка туманида жойлашган 15-меҳрибонлик уйида турли сабабларга кўра ота-оналаридан маҳрум бўлган 141 нафар бола тарбияланади. Яқинда Республика Бош прокуратураси ташаббуси билан мазкур меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун Тошкент шаҳрига саёхат ташкил қилинди.

Дастлаб болалар Мустиқлик майдонида бўлиб, Сенат ва Вазирлар Маҳкамаси биноларини ҳамда Эзгулик аркасини томоша қилишди, Мустиқлик ва эзгулик монументи остига гулчамбарлар қўйишди. Шундан кейин тарбияланувчилар «Темурийлар тарихи» музейида соҳибқирон ва унинг авлодлари тарихи ҳақида таълим олди. Саёхат сўнггида болалар Тошкент шаҳридаги ҳайвонот боғига боришди.

Ушбу сафар болаларда катта таъсурот қолдирди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Бош прокуратура ва Тошкент вилоят прокуратурасига саёхатни ташкил этишда ёрдам берганлиги учун миннатдорчилик билдирдилар.

Х.ХОЖИМУРОДОВ, меҳрибонлик уйи директори

### Yaxshilik

## Саёҳатдаги саргузашт

Ҳомийлар ташаббуси билан Узун туманидан Бухоро — Хива маршрути бўйича 48 кишидан иборат уруш ва меҳнат фахрийлари 2 апрел куни зиёратга жўнади. Хивага боргандан сўнг «Икарус» автобуси ҳайдовчилари бизни ташлаб, қўйиб бўлишди (автобус Денов автокорхонасига қарашли эди). Ёшлари 75 дан 86 гача бўлган қариялар Хивадаги зиёратгоҳларни томоша қилиб бўлди ҳамки автобусдан дарак бўлмади. Кун кеч бўлди...

Кўчанинг у ер-бу ерида тўп-тўп бўлиб ўтирган қариялар олдида Хива туман прокурори Раҳматжон Хусанов келиб қолди. Бизнинг кўнглимизни кўтариб, автобус топишгунча Хивада яна озроқ меҳмон бўлишимизни таклиф қилди. Шу кеча қариялар меҳмонхонада туналди.

Эрталаб автобусимиз топишганлиги, Урганч шаҳ-

ридаги бир автокорхонада эканлиги-ю вилоят ҳокимиятидан автобус таъмири учун тегишли кўрсатмалар берилганини айтиб, бизни хурсанд қилишди. Мен ҳокимман ё мен прокурорман деб ўтирмай чин дилдан хизмат қилиб, бобоюн, отахон дея эъзозлаганликларни кўнглимизни кўтариб юборди. Хиванинг Ичанқалъа, Маъмур академияси каби жойларини томоша қилдик.

Ушбу мактуб билан бизга меҳмондўстлик қилган барча хиваликларга чексиз миннатдорчилигимизни газета орқали етказишимизни сўраймиз. Шу ўринда узоқ сафарга жўнаётган қарияларнинг носоз автобус ва масъулиятсиз ҳайдовчиларнинг қўлига топишган «Чанонийён» автокорхонаси раҳбариятига эътирозимиз ҳам йўқ эмас.

Сафар КОКИЛОВ

### Mulohaza

## Исм инсонни эмас, инсон исмини безасин

Тажрибали ҳуқуқшунос Муборак Саидова 18 йилдан буён Асака шаҳар ФХДБ бўлимини бошқариб келаяпти. Ҳар қандай муаммони мулоҳаза билан ечишга ҳаракат қилади. У киши билан чақалоққа исм қўйиш, исмининг моҳияти ва бу борада учраб турадиган баъзи келишмовчиликлар хусусида фикрлашдик.

Аслида ҳар бир инсон ўзига қўйилган камтарона исмини поклаб, гард юқтирмай, аввало исмига, элига муносиб бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Айтилдики, биров ўзига Алишер деб исм қўйган бўлсин. Кўпичча Алишер деган исми эшитганимизда беихтиёр буюк бобомиз Алишер Навоийнинг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Бироқ ўғил бу исмга ярашмайдиган жиҳатлар эгаси бўлса-чи?

Тўри, чақалоққа исм қўйиш-ихтиёрий ҳол. Шу ўринда бир мисол келтирсам. Бўлимимизга

кириб келган ёш эр-хотин яқинда тутилган чақалогининг исмини Жамшиддан Муҳаммадумарга ўзгартириб беришимизни сўради. «Ахир, ўғилнинг чиroyли исми қўйилган-ку. Қолаверса, уни ўзингиз танлагансиз. Чиқимдор бўлишининг нима кераги бор?», — дедик. Ёш ота-она Жамшид исмини кўпроқ қиморболлар тилга олишадиган катталар эқтирмаганлигини айтишди. Қолаверса, Умар чақоқриёрларимиздан бири — мард, оқил ва одил киши бўлган. Унга Муҳаммаднинг қўшиб айтилиши янада хосиятли бўлар экан.

Бунинг акси бўлган воқеага ҳам дуч келиб турамиз. Мўътабар ёшдаги қайноналардан бири неварасига ўзи эқтирган исми қўйдириган экан, шаллод келин «мен айтган исми нега қўймадингизлар» деб онасиникига кетиб қолган ҳоллар ҳам бўлган.

Шундай экан, чақалоққа исм катталар билан бамаслаҳат, ёшлар билан келишилган ҳолда танланса, ҳар хил

кўнглисизликларнинг олди олинган бўларди. Қолаверса, ФХДБ идораларида ишлатиб келинаётган «Ўзбек исмлари» китобига мурожаат қилиш ҳам кўпичча асқотади. Чунки унда ўзбек она исмларнинг асл маънолари берилган.

Баъзан айтишга ноқулай исм ва фамилиялар ҳам учрайди. Совет тузуми даврида гўзал исмларимиз русча айтилгани ва ҳужжатларга ёзилиб қолганидан кўз юмолмаймиш. Масалан, Джумабоев, Сариков, Казиев... Майли, булар ўтмиш ҳаётлари. Энди юртимизнинг эртасини ўйлашга, барчага маъқул, гўзал исмлар танлашга ҳаракат қилайлик. Айрим ножоиз исмлар этасини ҳам ўнғайсиз аҳволга солиб қўйишдан сақланайлик.

Абдулахад УРМОНОВ,  
«Асака оқшоми» газетаси  
ҳодими

### «Huquq»qa javob beradi

## Ер ажратилган

Уйчи туман прокуратураси фуқаро Э.Жўраевнинг тахририятга ёзган аризаси бўйича текширув ўтказди.

Ҳақиқатдан ҳам Э.Жўраев 2005 йил 27 январь куни «Файрат» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Султоновга ўғли Б.Жўраевга уй-жой қуриш учун ер участкаси сўраб ариза ёзган. Мазкур ариза 2005 йил 18 декабр куни қишлоқ ҳўжалик ширкати ва фуқаролар йиғини қошидаги махсус комиссия томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган ва 4 сотих ер ажратиш тўғрисида ҳўжаликнинг умумий йиғилиши қарори чиқарилган. Ҳозир туман ҳокимлиги уй-жой комиссияси томонидан ҳўжалик умумий йиғилишининг қарори ўрганилаётганлиги аниқланди.

«Файрат» фуқаролар йиғини раиси С.Султонов «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларини бузиб, Э.Жўраевнинг аризаси махсус комиссия томонидан қўриб чиқилганлиги ҳақида ариза муаллифига ёзма равишда жавоб бермаган.

С.Султоновга ЖТКнинг 43-моддаси бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

М.КИРФИЗБОВ,  
Уйчи туман прокурори

### «Huquq»ni o'qib...

## «Сиз нима дейсиз?»

Ушбу саволимизга мухлисларимиздан кўплаб хатлар келиб турибди. Уларда, жумладан, шундай дейилади:

«...Газета халқдан ажралиб қолмаслиги учун ҳар бир масалага адолатли, ҳолис баҳо бериши керак. «Сизнинг фикрингиз қандай?» деган саволининг газетада эълон қилиниши газетхон фикри билан қизиқилишини билдирди. Б.Назаровнинг Бош прокуратурада икитисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Р.Пўлатов билан «Унутилмас меҳр-яхшилик» деб номланган суҳбатини қизиқиб билан ўқидик. Шундай мақолалар мунтазам бериб борилса... Шу ўринда хатлар ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими саҳифаси, ҳуқуқий маслаҳатхона, халқаро ҳаёт саҳифалари бизга маъқул бўлаяпти. Шунингдек, газетада шеърят саҳифаси ташкил қилинса дейман.

Раҳматулла МЕНГИРОВ,  
Қамаши тумани Ногаҳон қишлоғи


□ □ □

«Huquq»да кейинги йилларда муҳим муаммоларни ҳал этиш йўллари, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш каби қизиқарли материаллар бериб борилмоқда. Мен ушбу газетани кўп йиллардан бери ўқиб келаман. Шу нарсани аниқ айта оламаники, бундан анча йиллар олдинги сонларини 2003 — 2005-йиллардаги сонлари билан таққослаб бўлмайди. Мухбир И.Иброҳимов ва Й.Парданин ранг-баранг материаллари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси П.Қодировнинг Амур Темур ҳаётига оид қизиқарли материаллари газетанинг янада ўқимлилиги қизиқшига сабаб бўлмоқда.

Газетада қотиллик, номусга тегиш каби оғир ва хавфли жиноятларнинг ҳеч ким ўйламаган йўллари билан очилгани ҳақида ҳам мақолалар берилса янада хўшироқ бўлармики деб ўйлайман.

Айрим ҳолларда ҳўжалик судларида ноқонуний қабул қилинган ҳал қилув қарорларнинг протестлар билан бекор қилинаётганининг бериб борилиши айни муддао. Ушбу жараён жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳам кўрсатиб берилса деган фикрдаман.

3.САЙФУДДИНОВ



Чирчиқ юртимизнинг сўлим гўшаларидан ҳисобланади.

### Anonim

## Шунақаси ҳам бўлади...

Апрел ойида тахририятга Хоразм вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг бир нечта ходимидан бошқарма бошлиғи Ш.Авезов ва ҳисобчи М.Аллабергановларнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзилган ариза келган эди. Тахририят ушбу хатни тегишли жиҳатидан Хоразм вилоят прокуратурасига жўнатди. Бироқ...

Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбасари И.Давлетовнинг жавобиди қуйидаги жумлалар битилган эди:

«...Абдуллаев ва бошқаларнинг тахририятга юборган аризаси қўриб чиқилди.

Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бош-

қармасининг 2006 йил 11 апрелдаги маълумотномасига кўра аризада фамилиялари кўрсатилган 7 фуқародан 5 нафари, яъни Абдуллаев, Болтаев, Эшчанов, Матякубов ва Абдиримова деган шахслар иш-ламаслиги ва бошқарма бўйичаги йўқлиги аниқланган.

Шунингдек, аризада фамилиялари кўрсатилган Бобоқонов ва Носировлар бошқармада ишлаб келаётганлиги маълум бўлди. Улар ариза мазмуни билан тўлиқ танишиб чиқиб, бундай ариза ёзмаликлари, ундаги имзолар ўзлариники эмаслиги, юқорида фамилиялари кўрсатилган шахсларни танимасликларини билдиришган.













## Қонун ва бурч

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўнлиги ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Андижон вилоят прокуратураси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинган. Шаҳар ва туман прокурорларига топшириқ юборилиб, текширишлар ташкиллаштирилмоқда.

Шунингдек, аҳоли ва юридик шахсларнинг банклардаги депозит ҳисоб-варақларидан нақд пулнинг узлуксиз бериб берилишини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг вилоят бошқармаси, солиқ бошқармаси ва Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

2006 йилнинг ўтган даврида департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш бўйича амалга оширилган тадбирларда 31 та ҳолатда 2,3 млрд. сўмлик ноқонуний пул айланмаси аниқланиб, 30 та жиноят иши кўзга тилинган. Шундан 1,6 млрд. сўмлик улгуржи савдо қондаларини бузиш ва маблағларни нақдлаштириш, 669,5 млн. сўмлик нақд пулни банкка топширмаслик, 52,3 млн. сўмлик нazorat-касса машинасини қўлламадан савдо қилиш билан боғлиқ.

Прокуратура органлари томонидан электр ва газдан фойдаланувчиларга бу борадаги қонунлар талаби тушунтирилиб, аҳоли ўртасида 32 та матбуза ўтказилди. ОАВда 11 та чиқиш қилинди.

Вилоятнинг қорхона ва ташкилот раҳбарлари коммунал тўловлардан бўлган қарзнинг ўз вақтида тўлаб берилишини таъминлашлари юзасидан расман оғохлантирилди.

Текширишларда аниқланишича, истеъмолчилардан йиғилган пулларнинг банкларга топширилиши устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Масалан, «Андижон электр тармоқлари»нинг чилангари Т.Мамадалиев фуқаролардан йиғилган 316.000 сўм пулни қорхона кассасига топширмай, ишлатиб юборган.

Шунингдек, таъминотчи қорхоналарнинг масъулиятсизлиги натижасида электр ва газ тармоғига руксатсиз улашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Асака тумани «Зарбдор» ҚФЙ Дорилмон маҳалласида яшовчи А.Умаров 2005 йилнинг 22 декабр кунини газдан ноқонуний фойдаланганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлса-да, жорий йилнинг 22 феврал кунини хонадонидagi оҳақ пиширилдиган 2 та хумдонни ўзбошимчалик билан газ тармоғига улаб, ноқонуний равишда фойдаланиб келган. Натижада «Асакатумангаз» филиалига 314.000 сўм зарар етказган.

«Илғор» ҚФЙда яшовчи С.Ма-

ҳаматжонов ҳам хонадонидagi иссиқхонани иситиш учун газдан ноқонуний равишда фойдаланиб, туман газ таъминоти қорхонасига 1.073.000 сўм зарар етказилган.

Бундай мисолларни Избоскан, Кўргонтепа туманларидан ҳам келтириш мумкин. Ушбу ҳолатларнинг барчаси юзасидан тегишли чоралар кўрилинган.

Мазкур йўналишда олиб бориладиган текшириш натижасида қонунбузарликларни бартараф этиш ҳақида 37 та тақдимома киритилиб, 158 киши интизомий, 209 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

546.978.000 сўмлик зарарни ундириш ҳақида судларга 307 та даъво аризаси юборилиб, 26.400.000 сўмлик газ ҳақи ихтиёрий равишда тўланди. Жиддий қонунбузарликлар бўйича 13 та жиноят иши кўзга тилинган.

**Д. МАМАЖОНОВ,**  
Андижон вилоят  
прокурорининг катта ёрдамчиси



Андижон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Собиржон Матмуцаев фуқароларни қабул қилаётган пайт.

## Умид ниҳоллари

Истиклол йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича мисли кўрилмаган ишлар қилинди. Улаб спорт мажмуалари бунёд этилди. Спортчиларимиз олимпиада, қитъа ва жаҳон чемпионатларида, турли халқаро турнирларда яхши натижаларга эришиб келмоқда.

Андижон вилояти ёшлари Наманган, Фарғона, Андижон, Хоразм, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида муваффақиятли қатнашди. Энг муҳими, минглаб ўғил-қизлар иштирок этган мазкур мусобақалар иштирокчиларда спортга ҳавас уйғотди.

Мен ҳам шундай ёшларнинг бириман. Андижон шаҳридаги олимпия захиралари спорт коллежиде эркин кураш бўйича тахсил олаётман. Болалигимданок курашга қизиққанлигимдан биронта ҳам

машғулоти ўтказиб юбормайман. Вилот ва республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, маҳоратимни ошираялман. 2004 йилда мамлакатнинг мутлоқ чемпиони бўлиб, спорт устаси номини олишга эришдим. Ўтган йилдан бўён республика терма жамоаси аъзосиман. Бундай ютуқларни кўлга киритишда устозим Юрий Ченнинг хизмати беқимс. Теннис бўйича Олмос Собиров, самбо бўйича Баҳром Раулов ва сузиш бўйича Виктор Бабушкин каби устозларнинг шоғирдлари мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритишяпти. Ака-ука Абров ва Акмал Исоқовлар теннисдаги, Ойгул Найманова самбодаги, Алишер Турсунов сузиш бўйича муваффақиятлари билан тенгдошларига ўрнак бўлмоқдалар.

Умиджон ИСМОИЛОВ,  
Андижон шаҳридаги олимпия захиралари спорт коллежи талабаси, кураш бўйича спорт устаси



Андижон шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосарининг қарорига

қўра «Анд-поли» қўшма қорхонаси экология солиғи ҳисоботини кечиктириб тақдим этгани учун ўн фоиз миқдорда жарима солини-  
ган. Холбуки, қорхонанинг солиқ ва бошқа тўловлардан 784.000 сўм қарзи бўлса-да, айрим турдаги солиқларга 25572 минг сўм ортиқча тўлов аниқланган. Қўшма қорхонага жарима солиш тўғрисидаги қарор Солиқ кодексининг 133-моддаси 1-қисми талабига энд равишда қабул қилинган.

## ТАДБИРКОР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Вилоят солиқ бошқармаси «Савдо-бета» қорхонасида ўтказган режали текширишда чакана савдо ҳуқуқини берувчи 215-руксатнома қалбаки бўлиб чиққан. Чакана савдо фаолиятдан 2.454.000 сўм даромад олингани аниқланган. Ушбу ҳолатлар бўйича қорхонага 4.900.000 сўмлик жарима солиниб, қорхона раҳбарлари нисбатан жиноят иши кўзга тилинган. Дастлабки терговда маълум бўлишича, қорхона раҳбарла-

ри руксатнома олиш учун шаҳар ҳокимлигига мурожаат этишган. Саноат, савдо, маиший хизмат бўлимида жамоатчи ёрдамчи бўлиб ишловчи М.Алимов ўзини бўлим мутахассиси деб таништириб, ҳеч қандай ваколати бўлмагани ҳолда сохта чакана савдо руксатномасини тайёрлаб берган. Юқоридаги ҳолатларга қўра қорхона раҳбарлари А.Аҳмедов ва Б.Нажмиддиновларнинг ҳаракатларида савдо қондаларини бузиш, сохта ҳужжат тайёрлаш ва ундан фойдаланиш жинояти аломатлари йўқлиги туфайли жиноят ишининг уларга таълуқли қисми тугатилди. Шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи номига протест киритилиб, қорхонага жарима солиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди.

Шаҳар прокуратураси тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижросини тахлил қилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этаяпти. Уларнинг фаоли-

ятини текшириш режаси бекор қилинди.

Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида кўзда тутилган тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, савдо-хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш режаси изчил бажарилаётган. Шу йилнинг биринчи чорагида 19 та кичик қорхона ва микрофирма ўзларининг салкам 400.000.000 сўмлик маблағи ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтиришди, 251 та янги иш ўрни яратишди. «Саноат Венера ХК» кичик қорхонаси велосипед ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Янги ташкил толган «Спектр» хусусий фирмаси ўз маблағи ҳисобига дастгоҳлар ўрнатиб, «ЎзДЭУавто» қорхонаси учун бутловчи қисмлар (штамповка деталлари)ни тайёрлаб бера бошлади.

Собиржон МАТМУЦАЕВ,  
Андижон шаҳар  
прокурорининг катта ёрдамчиси

«Мадрид, 2006 йил 2 март.  
Бош директор жанобларига.

Ҳурматли жаноб!  
Савдо пешқадамлари клубининг 95 та мамлакатдаси 7000 нафар аъзоси ўртасида ўтказилган сўрвуда сизнинг фирмангиз ўз фаолият доираси ҳамда мийн таъвий ҳудудида юксак савдо маркази обрўсига эришганлардан бири сифатида эътироф қилинди. «Энг яхши савдо маркази учун» халқаро совриннинг тақдиримотга тайёрларик кўмитаси сиз ушбу соврин билан тақдирланганингизни, уни топшириш маросими 2006 йил 22 май кунини Мадрид шаҳрида бўлиб ўтишини мамнуияти билан хабар қилади.

...Шунингдек сизнинг компаниянгиз вақили (директори)га «Глобал сифат бошқаруви» томонидан махсус ўрнак белгиси — олтин нишон топширилади.

Ҳурмат билан Арсенио Пардо Радригес,  
президент».

## Хорижликлар эътирофи

Испаниядан келган хушxabарда иш бошлаганига ҳали бир йил тўлмаган қорхонамиз фаолиятига шунчалик катта эътибор берилгани бизни қувонтиради. «Водий олтин куз» маъсулияти чекланган жамияти ўтган йили ташкил топди. Андижондаги фойдаланилмаётган базани сотиб олиб, бинони таъмирлади. Россия, Германия, Хитойда ишлаб чиқарилган дастгоҳларни ўрнатди. Ярим фабрика маҳсулотлардан табиий мева шарбатлари тайёрлаб қадқоқлаш ва савдога чиқаришга киришди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳамда қонуноти ҳужжатлари бемалол фаолият юритишимизга кенг имконият бермоқда. Ҳокимият идоралари, вилоят, шаҳар прокуратураси турли муаммоларни ҳал этишда ёрдамлашаётган. Айни чоғда қорхонани кенгайтириш, ҳўл мевани қабул қилишдан тортиб, шарбат ишлаб чиқаришга тўлиқ қилни яратишдан иборат бизнес режаси устида ишляялмиз. Ҳозирча 33 та ишчи-хизматчи 9 хил мева шарбатини қадқоқлаб беришмоқда. Ҳар ойда 7-8 тонна маҳсулот чиқариб, мамлака-

тирлиги идишига ҳам боғлиқ. Бизнинг буортмамиз бўйича Қувасойдаги «Кварц» хиссадорлик жамиятида скрипка шаклида шиша идиш тайёрланиб, «Олтин куз» деб номланди. Чиройли идишдаги мазали ҳамда шифобахш шарбатларга талаб ўсапти. Маҳсулотларимизни четта экспорт қилиш борасида тайёргарлик ишларини олиб бораёлмиз. Яқин ўтмишда, ўн беш йил аввал хорижга экспорт у ёқда турсин, ўз қорхонамизда маҳсулот ишлаб чиқаришни хаёлимизга ҳам келтира олмасдик. Истиклол шарофати билан конституциямизда мулкдорлик ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Ўтган даврда юртдошларимиз турли соҳаларда қорхоналар ташкил қилиб, хилма-хил маҳсулотлар билан бозорни тўлдирдишапти. Айни пайтда шаҳримиздаги ўнлаб қорхоналар қатори жамоамиз ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш устида ишламоқда.

Отабек УСМОНОВ,  
Андижон шаҳридаги «Водий олтин куз»  
МЧЖ раиси



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ХУЗУРИДАГИ СОЛИК, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА  
ЖИНОЙИ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ДЕПАРТА-  
МЕНТИНИНГ БУХОРО  
ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ  
ФАОЛИЯТИДАН**

# ХАЛҚ МАНФААТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Иқтисодиёт ва солик соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш тўғрисида»-ги ва 2002 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари ҳам давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга қаратилган. Бугунги кунда бу борада Бухоро вилоятида кенг кўламли ишлар қилинапти. Бозор расталари, дўконлар харидоригир маҳсулотлар билан

қадрсизланишининг олдини олиш чоралари белгиланган.

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш ва солиқ тўлашдан бўйин товланишнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори чиқарилган эди. Унинг ижроси муҳим аҳамият касб этади. Чунки пенсионерлар ва бюджетдан маош олувчиларни нақд пул билан таъминлаш шунга боғлиқ.

Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимлари зиммасига қатор янги вазифаларни юкляди.

Бошқарма ходимлари олиб борилган тезкор таҳлиллар натижасида Россияда фаолият кўрсатувчи «Д и М» ёпиқ акционерлик жамияти



Жорий йилнинг ўтган 4 оқи давомида Бухоро вилоятида жами 7 та яширин ишлаб чиқариш манбалари аниқланган. Уларнинг аксарияти кўлбола арок ишлаб чиқарувчи яширин цехлардир. Шундай яширин цехлардан бирининг соҳибни Жамшид Юнусов ўз уйида кўлбола усулда арок ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келган.

## Қарз ва фарз

**Мамлакатнинг тараққиёти аввало иқтисодиётнинг ривожланишига боғлиқ. Аҳолининг ҳар жихатдан ижтимоий ҳимоя қилиниши жамият тараққиётига хизмат қилади. Бунинг учун давлат ҳазинасига солиқлар ўз вақтида тўлиниши керак.**

тўла. Қонунларга амал қилиб ишлаётган тадбиркорнинг чўнғата ҳам, давлат ҳазинаси ҳам тўлмоқда. Бу борада Бухоро вилоят бошқармаси ва унинг бўлиmlари ходимлари тадбиркорлар билан ҳамкорликда кўп ишларни қилишмоқда. Лекин беш кўл баробар эмас деганларидай, қонунбузар ишбилармонлар ҳам йўқ эмас.

Бошқарма ва унинг бўлиmlари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 103 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 101 ҳолатда жиноят ва 2 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзғатилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида солиқ тўлашдан бўйин товланган бўйича 37 та, алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш бўйича 42 та, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш бўйича 3 та, валютани қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш бўйича 4 та жиноят иши кўзғатилган.

Бировлар учун бу рақамларнинг қизиги йўқдир. Аммо бунда ходимларимизнинг катта меҳнати ётганини унутмаслик керак.

Жорий йилнинг ўтган даврида бюджетга ундирилган маблағ миқдори 1.618.907.000 сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, нақд пул айланиши иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг фармон ва қарорларида нақд пул айланишини тезлатиш ва миллий валютамиз

Бошқарма томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 10.516.321.000 сўмлик ноқонуний товар айланмаси аниқланган. Шундан ноқонуний нақд пул айланмаси 3.742.964.000 сўмни ташкил этади.

Бошқарма ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳудудида ноқонуний нақд пул айланишини аниқлаш, бартараф этиш ва кунлик тушунинг банкларга тушишини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилиб, банкларга қўшимча 62.000.000 сўмдан кўпроқ нақд пул тушишига эришилди.

Яширин цехларда ишлаб чиқарилиб бозорга чиқарилаётган арок ва жуволарда тайёрланган ёғлардан захарланаётган юртдошларимиз ҳақида матбуот ҳар куни бонг урмоқда. Бироқ шунга қарамай пул дардида юрган «тадбиркор»лар бу йилдан қайтмаяпти.

Бошқармаимиз ходимлари шу пайтгача 7 та яширин цехни фош этди. Бу ҳолатларнинг барчаси бўйича жиноят иши кўзғатилди. Цехлардан 9.740.000 сўмлик ашёвий далиллар олиб қўйилган.

Шунингдек, ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат органлари ходимлари содир этган 5 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, жиноят ишлари кўзғатилди. Бюджетга етказилган зарар миқдори 19.487.200 сўмни ташкил этиб, 7.657.200 сўми ундирилди, олиб қўйилган далиллий ашёлар 1700 АҚШ долларини ташкил этди.

томонидан «Қорақўлтёкс» қўшма корхонасига ўртада тузилган шартномага мувофиқ 2000 йилда 103.988,4 АҚШ доллари миқдорига ускуна ва бутловчи қисмлар етказиб берилганлиги аниқланди. Бироқ маҳсулот учун «Қорақўлтёкс» қўшма корхонаси номидан унинг чет элдаги инвестори «Делфи ЛЛС» фирмаси 39.968,9 доллар миқдорига қисман тўловни амалга оширганлиги маълум бўлди.

«Қорақўлтёкс» ва «Делфи ЛЛС» фирмаси мансабдорлари томонидан юқоридаги шартнома ҳисоботлардан яширилган, келиб тушган ускуна ва бутловчи қисмларнинг божона декларациясига сохта маълумотлар қайд этилган. Бухгалтерия ҳужжатларига нотўғри провозкалар бериш орқали «Д и М»нинг 103.988,4 долларга тенг маблағи 443.060,5 доллар миқдорига оширилган қарз билан қўшма корхонага кириб қилинган.

Юқоридаги ҳолат юзасидан 2006 йил 2 май куни «Қорақўлтёкс» қўшма корхонаси мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Ўзбекистон конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятлари ҳам ёзиб қўйилган. Конституциямизнинг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар» дейилган. Буни ҳеч билимиз унутмаслигимиз лозим. Бу давлат олдидаги ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиздир.

**Абдулла ҲАМРОЕВ,**  
Республика Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Бухоро вилоят бошқармаси бошлигининг ўринбосари

## Соғлиқ «эгов»лари

Текширишда унинг уйдан арок ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган воситалар, мосламалар ва тайёр ҳолдаги кўлбола «Шохруд» ароғи топилган. Текширувдан сўнг ушбу 516 минг 207 сўмлик спирт ва спиртли ичимликлар ҳамда 386400 сўмлик арок маҳсулотлари, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган анжомлар, жами 902 минг 607 сўмлик далилий ашёлар олиб қўйилди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилди. Кўлбола усулда тайёрланган ароқлар шубҳасиз, истеъмолга яроқсиз. Унинг турган-битгани инсон саломатлигига зиён. Аммо баъзи сохта тадбиркорлар масаланинг бу жихати ҳақида ўйлаб ҳам қуришмайдилар. Афсуски, кўпгина харидорлар маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжатларни суриштирмай туриб уларни харид қиливеришади.

Муаммонинг иккинчи томони ҳақида фикр юритмасак бўлмас. Жамшид Юнусовнинг кўни-қўшнилари унинг ўз уйида яширин цехда арок ишлаб чиқаришни била туриб тегишли органларга хабар беримаган. Оқибатда «тадбиркор» йиллаб ўз фаолиятини давом эттириб, юзлаб одамларнинг соғлигини «эгов»лаб келган.

**Содиқ ОЧИЛОВ,**  
Республика Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Бухоро шаҳар бўлими бошлиги



Республика Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Бухоро шаҳар бўлими катта инспектори М.Қамолов, матбуот гуруҳи катта инспектори Ш.Бўронов ва шахсий тарих бўйича инспектор Ф.Раҳмоновлар «Ниқий»нинг навбатдаги сони билан танишмоқда.



Когон туманидаги «Гулнора» хусусий корхонаси раҳбари Мақсад Ахророва томонидан бюджетга етказилган зарарни қоплаш мақсадида нақд 1 млн. 800 минг сўм ихтиёрий тўланди.

**Одатда тадбиркорлик билан шуғулланган ҳар бир фуқаро даромад олишни қўлайди. Тадбиркорликнинг қонун ва қоидаларига риоя қилмаслик эса ҳар қандай тадбиркор учун қимматга тушиши мумкин.**

## «Тадбиркор» қонқонга тушди

Бошқарма ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш бора-сида бир қатор ишларни амалга оширдилар. Ушбу қарорнинг моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтирилди. Шунга қарамастан, республикамиз ҳудудида айрим тадбиркорларимиз томонидан ҳорижда ишлаб чиқарилган истеъмолга яроқчилигини тасдиқловчи сифат сертификат бўлмаган, божона идораларида расмийлаштирилмаган товарлар олиб келиш ҳоллари учраб турибди. Текширишлар натижасига кўра 2006 йилнинг 1 майига қадар 25 та шундай ҳолат аниқланди, 20 млрд. 714,6 минг сўмлик товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Жумладан, Жондор тумани ҳудудида «Тошкент-Туртқўл» йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган «Сетра» русумли


30G 19 34 давлат рақамли автобус текширилганида, унинг юк хонасида Қорақалпоғистон Республикаси Туртқўл шаҳри Низомий кўчаси 9-уйда яшовчи фуқаро Баҳодир Абдуллаевга тегишли Қозғоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 1 млн. 125 минг сўмлик 225 блок «Лигетт – дукат» номи акциз маркази тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланган. Мақсуд ҳолат юзасидан Б.Абдуллаевга нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилаётган тадбирлар давом эттирилмоқда. Бу борада ОАВ имкониятларидан кенг фойдаланаялгимиз. Мақсадимиз ҳар бир тадбиркорларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари қатори мажбуриятларини ҳам тушунтиришдир.

**Шавкат БҮРОНОВ,**  
Бухоро вилоят бошқармаси катта инспектори



**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, халқ артисти, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибни профессор, Шухрат АББОСОВни газетхонларга таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Мана, салкам эллик йилдирки, у киши суратга олган филмлар халқимиз дилидан мустаҳкам ўрин олган. Бунинг исботи сифатида «Маҳаллада дув-дув гап», «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шахри», «Муҳаббат можароси», «Абу Райҳон Беруний», «Отамдан қолган дала» ва яна ўнлаб филмларни эсга олиш kifоя. Шундан ҳам кўриниб турибдики, меҳр билан, масъулият билан ёндашилган, қалб кўри-ю кўз нури бағишланган асарларнинггина умри боқий бўлади. Гарчи Шухрат ака етмиш ёшдан ошган бўлса-да, хануз ўта ҳозиржавоб ва ҳазилқош, йигитлардек бардам, тетик. Шунинг учун бўлса керак, у киши учрашувни жуда самимий руҳда бошлаб берди:**



туринг, тайёр бўлади, — деди Абдулла ака шошилмасдан.  
Бир маҳал қоғозларни қайтариб бераркан:  
— Энди буларни уйга бориб ўқийсиз, — деди-да, қўлимга қаламни ҳам тутказди. — Бу билан эса ёкмаган ж о й л а р и н и тўғрилаб оласиз.  
Кўп ўтмай филм тайёр бўлди. Ишонсангиз, актёрлар ролларни шунақанги завқ-шавқ

ҳоланки, бу ерда ҳамма нарса ҳаётдан олинган бўлиб, айнан шунақа эпизодлар филмни бойитар эди. Унинг фикрича, биз кўчаларга сув сепишимиз керак экан. Қаттиқ-қуруқ гаплар бўлди. Айниқса, филмнинг сўнгги ая кўзида ёш билан уйнинг булдозерда бузилишига қараб турар эди. Ана шу сахнани ўзгартиришни сўрашди. «Янгиликни ҳам қабул қилишимиз керак. Бунинг ҳам яхши томонлари бор. Тўғри, эскилари бузилгани билан аҳоли янги қурилган уйларга кўчиб чиқаяпти-ку. Бу ерда тайёр иссиқ сув, газ», — дейишди. Охирини қайтадан ишлашга тўғри келди.  
Шунақа гаплар. Айтмоқчи, кўпгина учрашувларда болалигим ҳақида ҳам сўрашди. Зийли оилада туғилганман. Отам

## Шухрат Аббосов:

# Ҳаётга муҳаббат

— Ўтган умрим давомида кўплаб учрашувларда, турли кинофестивалларда қатнашиш бахтига муяссар бўлганман. Жумладан, газета ва журналларнинг мухбирлари билан ҳам суҳбатлашганман. Табиийки, бундай учрашувларнинг кўпида камина суратга олган филмлар ҳақида сўрашади. Шундан келиб чиқиб ҳамда бу ерда йиғилганларнинг аксарияти ёшлар бўлганлиги учун филмларимдан бири — «Маҳаллада дув-дув гап»нинг олинши тарихига озгина тўхталсам. 1956-57 йиллар чамаси, Москвада ўқишни тугаллаб, америкалик адиб Уилям Сараяннинг асари асосида биринчи, ўн минутлик филмимни ишладим. Мақтанлиш эмас-у, филм анча шов-шув бўлди. Ҳозир, орадан йиллар ўтгандан кейин мушоҳада қилиб кўрсам, кейинчалик ишланган филмларнинг деярли барчасида ўша биринчи филмимдаги миллатчиликка қарши гоя бор экан.

Хуллас, ўқиш даврида Ўзбекистонни жуда соғинган эдим. Шу боис уйга қайтгач, она халқим ҳақида, унинг содда, аммо меҳнатқош, бирор миллатда учрамайдиган характерини очиб

**!!! Шу киши кўпинча менга қараб: «Шухрат, менинг ошимни еганиндан кейин ёмон кино ишласанг уят бўлади», — дерди.**

Хуллас, сюжет маъқул келиб, шу асосда филм ишламоқчи бўлдим.

Ўша пайтда нима бўлди-ю, яна Москвага кетиб қолдим. У ерда машҳур режиссёр, устозим Георгий Товстоогов билан суҳбатлашиб ўтирганимизда режанимизда режанимизда режанимизда турди-да, «Менга қара, бу юртингда ишланадиган биринчи асаринг экан. Шунинг учун яхшигина меҳнат қилиш керак. Ленинградга бориб, фалон театрдан Юрий Рестов исмли адабиёт-

устида ишладик. Тайёр бўлгач, ўқиб кўрсам, ҳаммаси яхши-ю, лекин айрим жойлари ўнчалик ёқинқирамади. Бир томондан эса Малик ака шошириб турибди, эртадан суратга олишни бошлагин деб. Сценарийнинг баъзи жиҳатлари, айниқса, диалоглар ёқмаётгани сабабли Абдулла Қаҳҳорга кўрсатмоқчилигимни айтиб, уч кун муҳлат сўрадим. Розиликни олгач, Абдулла аканинг ҳузурига йўл олдим. У киши стационарда даволанаётган экан. Ёзувчи билан мақсадимни айтдим.

«Ташлаб кетинг, кўриб кўяман. Икки-уч кундан кейин хабар оларсиз», — дерди Абдулла ака.

— Қанақа икки-уч кун? Эртадан суратга олишни бошлашим керак ахир! Киностудиянинг режасига киритилган бўлса, ҳамма кутиб турибди.

— Ие, жудама томоқдан оладиганлар хилидан экансиз-ку, — деди Абдулла ака хуноби ошиб. — Ахир ҳали ўқимаган бўлсам, нима ҳақидалигини билмасам? Бунга вақт керак-ку!

— Абдулла ака, шундоққина қаламингизнинг учи билан тўғрилаб беринг. Мен кутиб тураман, — дедим унинг сал ён боганидан қувониб.

Хуллас, Абдулла ака матни ўқий бошлади, мен ёнида туриб ҳали у ер, ҳали бу ерида маслаҳат бера бошладим. Бу қилигим ёқмади, шекилли, Абдулла ака ишдан тўхтади-да, «Хув анави санитаркани кўраясизми?» деди касалхона ховлисининг нариги томонида юрган бир қизни кўрсатиб, «Шу қизнинг олдига бориб, бир суҳбатлашиб кўрмайсизми? Балки ундан актриса чиқиб қолар! Бир-икки соатлардан кейин келарсиз. Унгача ўқиб тураман».

Начора, айтилган вақт келсам, Абдулла ака ҳалиям банд. Секин елкаси оша мўраладим-у овоз чиқариб кулиб юордим.

— Ҳа, нима бўлди?  
— Бунақанги жумлаларни қаердан олдингиз? — дейман-у ўзимни кулгидан тўхтатолмайман.

— Яна беш-ўн минут кутиб

билан ижро этишдики, ҳайрон қолади киши.

Бу филмда қатнашганлар ҳам ҳазилакам актёрлар эмас эди. Лутфихоним Саримсоқова, Марям Ёқубова, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Раҳим Пирмухаммедов ва бошқаларни эслаш kifоя. Кинонинг яхши чиқши учун сценарийнинг роли катта экан-да.

Эсон Каримов деган иккинчи режиссёрим бўларди. Йигирма йил ҳамкорлик қилган бўлсак, деярли ҳар куни ош дамларди. Аям Эсон билан урушиб кетарди.

— Эсон, ўғлимни ўлдирмоқчимисан? Ёки «давление»сини ошириб, касал қилмоқчимисан? Яна ошга от ёғидан кўшганинг нимаси?

Бунинг сабаби, отам эрта вафот этган, аям бир ўзи бизни вояга етказгани боис жуда куюнчак бўлиб қолган эди.

Шу киши кўпинча менга қараб: «Шухрат, менинг ошимни еганиндан кейин ёмон кино ишласанг уят бўлади», — дерди. Албатта, унинг гапида ҳам маълум маънода жон бор эди. Ошга жуда уста эди-да ўзимам.

Биласизларми, ҳар қандай филм дид билан ишланмас экан, яхши натижа кутиш бефойда. Бу соҳада айнан дид жуда катта рол ўйнайди.

Филмни раҳбарлар жуда яхши кутиб олишди. Чунки ўша пайтда миллий руҳдаги, шу билан бирга юморга бой филм ишланмаган эди. Хуллас, бадиий кенгаш кўргач, компаниянинг ўша даврдаги қурилиш бўйича бир котиби сўз олиб, «Филм иждоқдорлари шахарни жудаям абгор ҳолда тасвирлашибди. Ҳамма ёқ чанг-тўзон. Қурилиш. Шу жойларини ўзгартирса бўлмайми?», — деб қолди. Ва-

Москвада таҳсил олган экан. У киши гарчи врач бўлса-да, адабиётга жуда қизиқар, ҳикоялар, шеърлар ижод қиларди. Ҳатто Кўкон газетасида муҳаррир бўлиб ишлаган. Сўнг қорақўлчиликка ихтисослашган совхозга



«Муҳаббат можароси» филмидан.

директор этиб тайинланади. Аям ҳам Москва консерваториясини тугатган эди. Холам кўшиқчи бўлиб, почтам эса киностудияда меҳнат қиларди.

Болалигим уруш пайтига тўғри келган. 12-13 ёшлардаман. Ўшада бизнинг совхозга ҳам эшелон-эшелон ярадорлар келарди. Одамлар қўлидан келганча уларга қарар эди. Мен ҳам аравачада янги соғилган суддан олиб бориб, ярадорларга ичирардим. Бир куни ҳамширалардан бири мени тўхтади-да, «Сен туноқ куни кўшиқ айтдингми?», — деб сўраб қолди. Тасдиқ ишорасини қилдим.

— Аянг ҳам дутор чалиб, ашула айтади-я?

— Ҳа.

— Сенда ҳақиқатан ҳам таллант бор экан. Биз ярадор аскарлар учун концерт бермоқчимиз. Бир пьеса асосида сахна кўрнини ҳам бўлади. Бир солдат урушдан яраланиб қайтади-да, уйимга борсам, мендек оқсоқ одамни хотиним қабул қилармикан деб иккиланади. Шу ролни ўйнайсан.

Хўп деб, сўзларини ёдладим. Кейин вагонна-вагон юриб, кўрсата бошладик. Ассий ролларда ҳамширалар бўлиб, биргина эркак менман, 12-13 яшар бола. Бир вагонга кирганимиз-



«Тошкент — нон шахри» филмидан.

берадиган филм ишлаш госяи тугилди. Устига-устак киностудиянинг ўша даврдаги раҳбари Малик Қаюмов ҳам «тазийқ»қа олиб қолди: «Шунақа қилиб юрaversанми? Ҳамма филм ишлаб ётибди. Сен қачон ишлайсан?». Охири бўлмади. Киностудиянинг ҳовлисида ўтириб олганман. Қалин-қалин папкалардаги сценарийлар билан тани-

миннатдор. Айниқса, ўзбек халқини яхши билади. Анчадан бери бирор ўзбек адабининг асари асосида филм ишласак деб юрарди. Шу кишини Тошкентга олиб кетасан. Сенга ёрдам беради», — деб маслаҳат берди. Устозининг маслаҳати билан адабиётшуноски кўндириб, Тошкентга олиб келдим. «Тошкент» меҳмонхонасида ўн икки кун асар







